**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ РУСТАМ МЕҲРИДДИНОВИЧ**

# $G$-СИММЕТРИК ДАРАЖАЛИ ФАЗОЛАРНИНГ КАРДИНАЛ ВА ТОПОЛОГИК ХОССАЛАРИ

**01.01.04 - Геометрия ва топология**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**

**УДК: 517.98**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ РУСТАМ МЕҲРИДДИНОВИЧ

# $G$-СИММЕТРИК ДАРАЖАЛИ ФАЗОЛАРНИНГ КАРДИНАЛ ВА ТОПОЛОГИК ХОССАЛАРИ

**01.01.04 - Геометрия ва топология**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/FM565 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Бешимов Рўзиназар Бебутович**<br>физика-математика фанлари доктори, доцент |
| **Расмий оппонентлар:** | **Заитов Адилбек Атаханович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| | **Рахимов Абдугофур Абдумажидович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» 08 соат 12[00] даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Диссертация автореферати 2022 йил «9» 08 куни тарқатилди.
(2022 йил «9» 08 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

**А.Садуллаев**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

**Н.К.Мамадалиев**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

**А.Я.Нарманов**
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда $G$-симметрик даражали фазолар ва ковариант функторлар назарияси масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. $G$-симметрик даражали функторнинг топологик фазолар кардинал сонларини сақлаши инвариантлар назариясида муҳим аҳамиятга эга. Симметрик даражали фазоларнинг кардинал ва топологик хоссалари алгебраик ва дифференциал топология масалаларини ечишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, дифференциал топология ва гомология масалаларининг турли моделларини яратишда ўз талқинига эга бўлганлиги сабабли, симметрик даражали фазоларнинг кардинал инвариантлари назарияси бўйича олинган натижалар ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда симметрик даражали фазоларнинг кардинал инвариантларини таққослаш, кардинал инвариантлар ва ковариант функторлар назарияси масалаларини ечиш замонавий топологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. $G$-симметрик даражали фазоларнинг зичлиги, салмоғи, характери, локал суст зичлиги каби кардиналларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: берилган фазо ва унинг симметрик даражали фазосининг кардиналларини таққослаш; кардинал инвариантларнинг тенг бўлиш шартларини топиш; ундан ташқари симметрик даражали фазоларнинг «равномер» структураси ҳақидаги масалалари мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда фундаментал фанлар, жумладан илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда топологик фазоларнинг кардинал инвариантлари ва функторлар назарияси масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Симметрик даражали фазоларнинг топологик, геометрик ва кардинал хоссалари сақланишига оид салмоқли натижаларга эришилди. "Геометрия ва топология фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари" этиб белгиланди[1]. Бу борада алгебра ва функционал анализ масалаларини хал этишда симметрик даражали функторлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги" Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш,

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сонли қарори.

бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Топологик фазолар ва уларнинг акслантиришлари категориясида таъсир қилувчи ковариант функторларни тадқиқ қилиш топология математиканинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиққан пайтлардаёқ бошланган. Компактлар категориясида ҳаракатланувчи ковариант функторларнинг классик намунаси сифатида пайдо бўлишига Хаусдорф ва Виеторислар номлари билан боғлиқ бўлган экспоненциал операция функтори хизмат қилади. Е.В.Шепин илмий ишларида ковариант функторларнинг залворли ва кенг қамровли назарияси яратилган. У функторларнинг қатор табиий ва кенгроқ аҳамият касб этувчи хоссаларини ажратиб кўрсатган ҳамда нормал функтор тушунчасини киритган.

А.А.Заитов $O$ – тартибни сақловчи суст аддитив нормаланган функционаллар функторини $O\circ\beta: Tych \to Comp$ функторгача давом эттириб, унинг категорик хоссаларини ўрганган. Р.Бешимов эса $O$ функторни тихонов фазолар категориясида таъсир қилувчи функторгача давом эттирган. Ф.Г.Муҳамадиев ўз ишида компакт элементли тўла занжирланган системалар фазосининг кардинал инвариантларини ўрганган. Бунда $X$ ва $N_c X$ фазоларнинг зичлиги, $\pi$-салмоғи, суст салмоғи, $\pi$-тўр салмоғи ва Суслин сонлари тенглиги исботланган.

М.Ричардсон симметрик даражали фазо тушунчасини биринчи бўлиб 1935-йилда киритган. Р.Ж.Милграм эса чекли турдаги ихтиёрий $X$ фазонинг турли симметрик даражалари учун гомологиялар группасини аниқлаган. В.В.Федорчукнинг илмий ишида G-симметрик даражали функтор компактлар ва уларнинг узлуксиз акслантиришлари категориясида нормал функтор бўлишини кўрсатган. Шунингдек у G-симметрик даражали функторнинг компакт Q-кўпхилликлар акслантиришлари қатламини сақлашини исботлаган. М. М. Заричный ўзининг илмий ишларида G-симметрик даражали функторни Клейсли категориясигача давом эттирган. G-симметрик даражали функтор монад гиперфазоларнинг Клейсли категориясигача ягона давоми экани исботланган. Эндрю Вилладсен ишларида эса чексиз симметрик даражали функтор тушунчаси аниқланган, ҳамда бу функтор топологик фазоларнинг гомотопик эквивалентликларини сақлаши кўрсатилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф-42 «Ярим аддитив $\tau$-силлиқ ва Радон функционаллар фазоларининг кардинал ва топологик хоссалари» (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** $G$-симметрик даражали фазоларнинг кардинал ва топологик хоссаларини ҳамда текис ўлчовлилик хоссаларини жорий қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

симметрик даражали функторнинг стратификлашганлик хоссасини сақлашини кўрсатиш;

симметрик даражали фазоларнинг зичлигини, тўр салмоғини, локал суст зичлигини, шунингдек Суслин сонларини таққослаш;

$G$-симметрик даражали фазоларда қандайдир метрика қуриш;

$G$-симметрик даражали функторнинг топологик ва текис ўлчовлилик хоссаларини тавсифлаш;

$G$-симметрик даражали функторнинг текис ўлчовли фазолар чегараланганлик индекси ва текис боғланишлилигини сақлашини исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти**ни симметрик даражали фазолар, умумлашган метрик фазолар, текис ўлчовли фазолар, текис ўлчовли фазоларнинг чегараланганлик индекси ва салмоғи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни симметрик даражали фазоларнинг топологик хоссалари, кардинал хоссалари, $G$-симметрик даражали функторнинг текис ўлчовли фазолардаги таъсири ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида математик анализ, ковариант функторлар, тўпламлар назарияси, группалар назарияси ҳамда умумий топология масалаларини ечиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

G-симметрик даражали функтор топологик фазоларнинг зичлигини, суст зичлигини, локал суст зичлигини, характерини, тўр салмоғини сақлаши исботланган;

квадрат кўпайтмада номанфий функция қурилган ва бу функция G-симметрик даражали фазоларда метрика ҳосил қилиши кўрсатилган;

G-симметрик даражали функтор топологик фазоларнинг метрикалашганлик хоссасини сақлаши исботланган;

симметрик даражали тўпламда текис ўлчов структураси киритилган ҳамда текис ўлчовли фазо ва унинг симметрик даражали фазосининг салмоқлари устма-уст тушиши исботланган;

кўпайтмада аниқланган ушбу $\pi_{n,G}^{s} : X^n \to SP_G^n X$ акслантириш текис узлуксиз ва текис очиқлиги исботланган;

агар $f:(X,\Upsilon)\to(Y,\Psi)$ акслантириш текис узлуксиз (очиқ) бўлса, у ҳолда $SP_G^n f:(SP_G^n X,SP_G^n\Upsilon)\to(SP_G^n Y,SP_G^n\Psi)$ акслантириш ҳам текис узлуксизлиги (очиқлиги) кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** $G$-симметрик даражали фазоларнинг кардинал ва топологик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари комбинаторик топология ва ковариант функторлар назарияси масалаларини ечишда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Умумий топология, тўпламлар назарияси, функторлар назарияси ва кардинал инвариантлар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти симметрик даражали фазоларда зичлик, салмоқ, характер, Шанин сони, Суслин сони, суст зичлик ва калибр каби кардинал инвариантлар сақланишини исботлашда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти $G$-симметрик даражали фазоларнинг текис ўлчовлилик хоссалари бўйича тадқиқот натижалари математик анализда муҳим аҳамиятга эга бўлган текис узлуксиз функцияларни тадқиқ қилишда ҳамда дифференциал топологиянинг турли масалаларида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** $G$-симметрик даражали фазоларнинг кардинал ва топологик хоссалари бўйича олинган натижалар асосида:

$SP_G^n$ функторининг нормал функтор эканлигидан Қирғизстон Республикаси Миллий ФА Математика институтининг «Текис ўлчовли топология ва текис узлуксиз акслантиришлар ҳамда уларнинг топологик алгебра ва функционал анализга тадбиқлари» номли гранти лойиҳасида текис фазоларнинг топологик ва кардинал хоссаларига оид муҳим масалаларни ечишда фойдаланилган (Қирғизстон Республикаси Миллий ФА Математика институтининг 2022 йил 19 майдаги 10/04-44 рақамли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши компакт фазоларида ҳаракатланаётган ковариант функторларнинг кардинал инвариантларини баҳолаш имконини берган.

Симметрик даражали фазонинг метрикалашганлиги, тўла чегараланганлиги, $G$-симметрик даражали функторнинг баъзи кардинал хоссаларни сақлашидан Самара давлат техника университетининг “Плазмали технологиялар” номли гранти лойиҳасида ўтказгич солиштирма зичлигини аниқлашда фойдаланилган (Самара давлат техника университетининг 31-май 2022 йилдаги № 01.02.02/1539 рақамли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши, хусусан, Симметрик даражали функторлар таъсири акслантиришларнинг текис узлуксизлигини ва текис очиқлигини сақлаши, оддий дифференциал тенглама ечимлари фазосининг аксиоматик моделини қуриш, уни кўплаб турдаги тенгламаларга кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 81 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Умумий топологиянинг баъзи бир тушунчалари ва тасдиқлари»** деб номланувчи биринчи боби учта параграфдан иборат. Диссертациянинг ушбу бобида келгусида қўлланилувчи зарурий тушунча ва маълумотлар келтириб ўтилган. Масалан, **ушбу бобнинг биринчи параграфида** қуйидаги кардиналларнинг таърифлари берилган: тўр салмоғи, салмоқ, зичлик, суст зичлик, характер, локал суст зичлик, Суслин сони, калибр, олдкалибр, Шанин сони ва олд Шанин сони.

**Таъриф 1.1.1**. Агар $X$ топологик фазо $\sigma$-локал чекли тўрга эга бўлса, у ҳолда $X$ топологик фазо $\sigma$-фазо дейилади.

Қуйидаги таъриф С.Р.Боржесга тегишли:

**Таъриф 1.1.3**. $X$ топологик фазо стратифик дейилади, агар у $T_1$-фазо бўлиб ҳар бир очиқ $U \subset X$ тўплам учун $X$ нинг қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи очиқ қисм тўпламлар кетма-кетлиги $\{U_n\}_{n=1}^{\infty}$ мавжуд бўлса:

(1.1) $[U_n] \subset U$;

(1.2) $\bigcup_{n=1}^{\infty} U_n = U$;

(1.3) $U \subset V$ эканидан ҳар бир $n \in N$ учун $U_n \subset V_n$ келиб чиқса.

Юқоридаги таърифдан ҳар қандай стратифик фазо регуляр фазо бўлишини кўриш қийин эмас.

**Таъриф 1.1.4**. $X$ топологик фазонинг қисм тўпламларидан иборат $\mu$ оила бу фазонинг $k$-тўри дейилади, агар исталган $K$ компакт тўплам ва уни ўз ичига олувчи ихтиёрий $U$ очиқ тўплам учун $K\subset\cup\mu'\subset U$, шартни қаноатлантирувчи чекли $\mu'\subset\mu$ қисм оила мавжуд бўлса.

$\sigma$-локал чекли (саноқли) $k$-тўрга эга бўлган регуляр фазога $\aleph$-фазо дейилади ($\aleph_0$-фазо) дейилади.

Табиийки саноқлиликнинг биринчи аксиомасини қаноатлантирувчи $\aleph$-фазоси метрикалашган бўлади. Ҳар қандай $\aleph$-фазоси эса $\sigma$-фазо бўлади.

**Диссертациянинг бириннчи боби иккинчи параграфида** категория, Шепин маъносидаги нормал функтор ҳамда симметрик даражали функторлар таърифлари келтирилган.

Бизга $\xi=\{\theta,\mathfrak{M}\}$ ва $\xi'=\{\theta',\mathfrak{M}'\}$ категориялар берилган бўлсин. Объектни объектга, морфизмни морфизмга ўтказувчи ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $F:\xi\to\xi'$ акслантриш ковариант функтор дейилади, агар

F1) $\xi$ категориядан олинган ҳар қандай $f:X\to Y$ морфизм учун $F(f)$ морфизм $F(X)$ дан $F(Y)$ га ҳаракатланса;

F2) ҳар қандай $X\in\theta$ объект учун $F(\mathrm{id}_X)=\mathrm{id}_{F(X)}$ тенглик ўринли бўлса;

F3) $f\circ g$ композиция аниқланган ҳар қандай $f$ ва $g$ морфизмлар учун $F(f\circ g)=F(f)\circ F(g)$ тенглик ўринли бўлса.

Айтайлик $F:Comp\to Comp$ – ихтиёрий ковариант функтор бўлсин.

Ҳар қандай $S=\{X_\alpha,\pi_\alpha^\beta,A\}$ тескари спектр учун ушбу $F(S)=\{F(X_\alpha),F(\pi_\alpha^\beta),A\}$ тескари спектр аниқланган бўлиб, $F(\pi_\alpha):F(\lim S)\to F(X_\alpha)$ акслантиришлар лимити $\pi:F(\lim S)\to\lim F(S)$ гомеоморфизм бўлса, у ҳолда $F$ ковариант функтор узлуксиз дейилади.

Ҳар қандай $X$ чексиз компакт учун $w(F(X))=w(X)$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда $F$ функтор салмоқни сақловчи функтор дейилади.

Ҳар қандай $X$ компактни $Y$ компактга ўтказувчи $i$ жойлаштириш учун $F(i):F(X)\to F(Y)$ акслантириш ҳам жойлаштириш бўлса, у ҳолда $F$ функтор мономорф дейилади. $F$ функторнинг мономорф эканлиги $A\subset X$ қисм фазо учун учун $F(A)$ фазони $F(X)$ нинг қисм фазоси сифатида қараш имконини беради.

Устига акслантиришларни сақловчи функтор эпиморф функтор деб аталади.

Ҳар қандай $\{B_\alpha:\alpha\in A\}$ компакт фазонинг ёпиқ тўпламалар оиласи учун

$$F\left(\bigcap_{\alpha\in A}B_\alpha\right)=\bigcap_{\alpha\in A}F(B_\alpha)$$

шартни қаноатлантирувчи $F$ функтор кесишмани сақловчи функтор деб аталади.

Узлуксиз, салмоқни, кесишмани ҳамда прообразларни сақловчи, мономорф, эпиморф, бўш тўпламни бўш тўпламга, бир нуқтали тўпламни бир нуқтали тўпламга ўтказувчи $F: Comp \to Comp$ функтор нормал функтор деб аталади.

Айтайлик $X$ чексиз компакт бўлсин. $x=(x_1, x_2, ..., x_n) \in X^n$ нуқтани унинг координаталар тўплами $\{x_1, x_2, ..., x_n\}$ га мос қўйувчи

$$\pi_n : X^n \to \exp_n X,$$

акслантиришни қарайлик. У ҳолда $X^n$ компактни $\exp_n X$ компактга акслантирувчи $\pi_n$ акслантириш узлуксиз бўлади. Шундай қилиб, $X$ компактнинг гиперсимметрик $n$-даражаси қуйидаги эквивалентлик муносабати билан ҳосил қилинган бўлинишга нисбатан ўзининг $n$-даражали фактор фазосидир: агар $x, y \in X^n$ нуқталар бир хил координаталар тўпламига эга бўлса, у ҳолда бу нуқталар эквивалентдир.

Барча алмаштиришларнинг симметрик $S_n$ группаси координаталар алмашиниш группаси сифатида $X$ компактнинг $n$-даражаси $X^n$ га таъсир қилади. Фактор топология билан ушбу ҳаракатнинг орбиталари тўпламини $SP^n X$ билан белгилаймиз. $x=(x_1, x_2, ..., x_n) \in X^n$ нуқтани унинг орбитасига мос қўйувчи

$$\pi_n^s : X^n \to SP^n X,$$

акслантиришни қарайлик. Шундай қилиб, $SP^n X$ фазонинг нуқталари – булар $X^n$ фазонинг қисм тўпламларидир (эквивалентлик синфлари). Шу билан бирга, агар $(x_1, x_2, ..., x_n)$, $(y_1, y_2, ..., y_n)$ нуқталар учун шундай $\sigma \in S_n$ алмаштириш мавжуд бўлиб $y_i = x_{\sigma(i)}$ тенглик барча $i = 1,2,...,n$ ларда бажарилса у ҳолда $(x_1, x_2, ..., x_n)$, $(y_1, y_2, ..., y_n)$ нуқталар эквивалент ҳисобланади.

$SP^n X$ фазога $X$ фазонинг $n$-даражали симметрик фазоси дейилади. $X^n$ дан ҳосил қилинган $SP^n X$ ва $\exp_n X$ фазоларнинг эквивалентлик муносабатларини мос равишда симметрик ва гиперсимметрик эквивалентлик муносабатлари деб атаймиз. $X^n$ даги барча симметрик эквивалент нуқталар гиперсимметрик эквивалент бўлади. Тескариси ҳар доим ҳам ўринли эмас. Ўзаро фарқли $x \neq y$ лар учун $(x, x, y), (x, y, y) \in X^3$ нуқталар гиперсимметрик эквивалент бўлади, лекин симметрик эквивалент бўлмайди.

Айтайлик $f: X \to Y$ узлуксиз акслантириш бўлсин. $[(x_1, x_2, ..., x_n)] \in SP^n X$ эквивалентлик синфи учун

$$SP^n f : SP^n X \to SP^n Y$$

акслантиришни қуйидаги

$$(SP^n f)[(x_1, x_2, ..., x_n)] = [(f(x_1), f(x_2), ..., f(x_n))]$$

қоида ёрдамида аниқлаймиз.

Шу тарзда тузилган $SP^n$ конструкцияси компактлар категориясида ковариант функтор эканини кўриш қийин эмас. Бундай функторга $n$-даражали симметрик функтор дейилади.

Шунингдек, **учинчи параграфда** текис фазоларнинг салмоғи, текис боғланишлилиги келтирилган.

Айтайлик $X$ қандайдир тўплам, $A$ ва $B$ лар эса $X \times X$ кўпайтманинг қисм тўпламлари бўлсин, яъни $X$ тўпламдаги муносабатлар бўлсин. $A$ муносабатнинг тескарисини $A^{-1}$ орқали белгилаймиз, яъни $A^{-1} = \{(x, y): (y, x) \in A\}$. $A$ ва $B$ муносабатларнинг композициясини эса $AB$ орқали белгилаймиз, яъни

$$AB = \{(x, z): \text{ шундай } y \in X \text{ мавжудки, } (x, y) \in A \text{ ва } (y, z) \in B\}.$$

Ихтиёрий $A \subset X \times X$ муносабат ва $n$ натурал сони учун $A^1 = A$ ва $A^n = A^{n-1}A$ индуктив формулалар $A^n \subset X \times X$ муносабатни аниқлайди.

Айтайлик $X$ бўш бўлмаган тўплам бўлсин. Агар $X \times X$ кўпайтманинг қисм тўпламларидан иборат $\Upsilon$ оила қуйидаги шартларни қаноатлантирса:

U1. $\Upsilon$ оиланинг ҳар бир элементи $\Delta_X = \{(x, x): x \in X\}$ диагонални ўз ичига олади;

U2. Агар $V_1, V_2 \in \Upsilon$, у ҳолда $V_1 \cap V_2 \in \Upsilon$;

U3. Агар $U \in \Upsilon$ и $U \subset V$, у ҳолда $V \in \Upsilon$;

U4. Ихтиёрий $U \in \Upsilon$ учун шундай $V \in \Upsilon$ элемент мавжудки, $V^2 \subset U$;

U5. Ихтиёрий $U \in \Upsilon$ учун, $U^{-1} \in \Upsilon$,

у ҳолда $\Upsilon$ оила $X$ тўпламда текис ўлчовлилик дейилади.

$\Upsilon$ нинг элементларига окружениялар дейилади. Текис фазо деб қандайдир $X$ тўпламдан ва ундаги $\Upsilon$ текисликдан иборат $(X, \Upsilon)$ жуфтликка айтилади.

Ҳар бир $U \in \Upsilon$ окружения, $x \in X$ нуқта ва $A \subset X$ қисм тўплам учун аниқланган $U(x) = \{y \in X : (x, y) \in U\}$ тўплам, маркази $x$ нуқтада бўлган $U$-

шар дейилади. $A \subset X$ қисм тўплам учун $U(A) = \bigcup_{a \in A} U(a)$ тўплам эса $A$ нинг $U$-атрофи дейилади.

$\Delta_X$ диагонални ўз ичига олувчи ҳар бир $V \subset X \times X$ тўплам диагонал окружения дейилади; барча диагонал окружениялар тўплами $D_X$ орқали белгиланади.

Агар барча $V \in \Upsilon$ окружениялар учун $W \subset V$ шартни қаноатлантирувчи $W \in B$ окружения топилса, у ҳолда $B \subset \Upsilon$ оила $\Upsilon$ текисликнинг базаси дейилади. $|B|$ кўринишдаги энг кичик кардиналга $\Upsilon$ текисликнинг салмоғи дейилади ва $w(\Upsilon)$ кўринишда белгиланади. $(X, \Upsilon)$ текис фазонинг салмоғи $\Upsilon$ текисликнинг салмоғи каби аниқланади.

Айтайлик $(X, \Upsilon)$ – текис фазо ва $D \in \Upsilon$ бирор окружения бўлсин. $(X, \Upsilon)$ текис фазонинг $x, y$ нуқталари жуфтлиги $D$-занжирли боғланган дейилади, агар $(x, y) \in D^k$ муносабат ўринли бўладиган $k$ бутун сон мавжуд бўлса. $X$ текис фазо текис боғланишли дейилади, агар ҳар бир $x, y \in X$ нуқталар жуфтлиги исталган $D$ окружения учун $D$-занжирли боғланган бўлса.

Агар $(X, \Upsilon)$ текис фазонинг қуввати $\tau$ дан ошиб кетмайдиган окружениялардан иборат базаси мавжуд бўлса, у ҳолда бундай $\tau$ кардинал сонлар ичидан энг кичигига $(X, \Upsilon)$ текис фазонинг чегараланганлик индекси дейилади. Текис фазонинг чегараланганлик индекси $l(\Upsilon)$ орқали белгиланади. $(X, \Upsilon)$ текис фазо $\tau$ чегараланган дейилади, агар $l(\Upsilon) \le \tau$ бўлса.

Диссертациянинг **“$G$-симметрик даражали фазоларнинг топологик ва кардинал хоссалари”** деб номланувчи иккинчи боби уч параграфдан ташкил топган. Диссертациянинг бу бобида $G$-симметрик даражали фазоларининг кардинал ва топологик хоссалари тадқиқ қилинган, $G$-симметрик даражали функторнинг характерни, тўр салмоқни, локал суст зичликни сақлаши исботланган. Шунингдек, $G$-симметрик даражали фазоларнинг зичлиги қаралган.

**Иккинчи бобнинг биринчи параграфида** $G$-симметрик даражали фазоларининг кардинал хоссалари тадқиқ қилинган.

Агар ҳар бир $x \in X$ нуқта ва унинг $U$ атрофи учун $x \in E_\alpha \subset U$ муносабат ўринли бўладиган $E_\alpha \in B$ топилса, у ҳолда $X$ топологик фазонинг бўш бўлмаган қисм тўпламларидан иборат $B = \{E_\alpha : \alpha \in A\}$ оиласи бу фазонинг тўри дейилади. Агар $B$ тўр фақат очиқ қисм тўпламлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда $B$ оилага $X$ фазонинг базаси дейилади. $X$ топологик фазо базалари (мос равишда, тўрлари) қувватларининг энг кичигига $X$ фазонинг салмоғи (мос равишда, тўр салмоғи) дейилади ва $w(X)$ (мос равишда, $nw(X)$) каби белгиланади. Агар $w(X) \le \aleph_0$ бўлса, у ҳолда $X$ фазо саноқлиликнинг иккинчи аксиомасини қаноатлантиради дейилади.

$X$ топологик фазонинг ўзаро кесишмайдиган, бўш бўлмаган очиқ қисм тўпламларидан ташкил топган оилалари қувватларининг аниқ юқори чегарасига ушбу топологик фазонинг Суслин сони дейилади.

$x \in X$ нуқта атрофларидан иборат $B(x)$ оила $X$ топологик фазонинг $x$ нуқтадаги базаси дейилади, агар $x$ нуқтанинг ихтиёрий $V$ атрофи учун $x \in U \subset V$ муносабат ўринли бўладиган $U \in B(x)$ мавжуд бўлса. $X$ топологик фазонинг $x$ нуқтадаги характери деб $|B(x)|$ кўринишидаги кардинал сонлар ичидан энг кичигига айтилади, бу ерда $B(x)$ – $X$ фазонинг $x$ нуқтадаги базаси. Бу кардинал сонни $\chi(x, X)$ орқали белгилаймиз.

$X$ топологик фазонинг характери деб барча $\chi(x, X)$ кўринишдаги кардинал сонларнинг аниқ юқори чегарасига айтилади. Бу кардинал сонни $\chi(X)$ орқали белгилаймиз. Агар $\chi(X) \leq \aleph_0$ бўлса, у ҳолда $X$ топологик фазо саноқлиликнинг биринчи аксиомасини қаноатлантиради дейилади.

$X$ топологик фазонинг $x \in X$ нуқтасидаги суст зичлиги деб қуйидаги

$$ld(x, X) = \min\{d(Ox): \text{ бу ерда } Ox - x \text{ нуктанинг атрофи}\}.$$

кардинал сонга айтилади.

$X$ топологик фазонинг суст зичлиги деб барча $ld(x, X)$ кўринишдаги кардинал сонларнинг аниқ юқори чегарасига айтилади. Бу кардинал сонни $ld(X)$ орқали белгилаймиз, яъни

$$ld(X) = \sup\{ld(x, X): \ x \in X\}.$$

**Теорема 2.1.1**. Ихтиёрий чексиз топологик $T_1$-фазо $X$ учун қуйидаги муносабатлар ўринли:

1) $w(X) = w(SP_G^n X)$;

2) $c(X) \leq c(SP_G^n X)$;

3) $\chi(X) = \chi(SP_G^n X)$;

4) $lwd(X) = lwd(SP_G^n X)$.

**Натижа 2.1.2**. Ихтиёрий чексиз топологик $T_1$-фазо $X$ учун қуйидаги муносабатлар эквивалент:

(i) $X$ фазо саноқлиликнинг биринчи аксиомасини қаноатлантиради;

(ii) $SP_G^n X$ фазо саноқлиликнинг биринчи аксиомасини қаноатлантиради.

**Натижа 2.1.3.** Ихтиёрий чексиз топологик $T_1$-фазо $X$ учун қуйидаги муносабатлар эквивалент:

(i) $X$ фазо саноқлиликнинг иккинчи аксиомасини қаноатлантиради;

(ii) $SP_G^n X$ фазо саноқлиликнинг иккинчи аксиомасини қаноатлантиради.

**Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида** $G$-симметик даражали фазоларнинг ажримлилик аксиомалари, метрикалашганлиги ва боғланишлилиги тадқиқ этилган. $SP_G^n$ функтор топологик фазоларнинг хаусдорфлигини, регулярлигини, тўла регулярлигини, метрикалашганлигини ҳамда боғланишлилигини сақлаши исботланган.

**Тасдиқ 2.2.1.** Айтайлик $X$ – топологик фазо, $n$ – натурал сон ва $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин. $X$ топологик фазо $T_i$-фазо бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг $T_i$-фазо бўлиши зарур ва етарли, бу ерда $i = 1, 2, 3, 3\frac{1}{2}$.

**Тасдиқ 2.2.2**. Айтайлик $X$ – локал компакт фазо ва $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин. У ҳолда $SP_G^n X$ фазо ҳам локал компакт бўлади.

Айтайлик $d$ – $X$ да метрика бўлсин. $SP_G^n X \times SP_G^n X$ фазода қуйидагича аниқланган номанфий $\ddot{d}$ функцияни қарайлик:

$$\ddot{d}([x],[y]) = \min_{\sigma \in G} \sum_{i=1}^{n} d(x_i, y_{\sigma(i)})$$

**Теорема 2.2.1.** $\ddot{d} : SP_G^n X \times SP_G^n X \to R$ функция $SP_G^n X$ да метрика бўлади ва бу метрика ёрдамида ҳосил қилинган топология $SP_G^n X$ фазонинг топологияси билан устма-уст тушади, бу ерда $X$ фазо $d$ метрика ёрдамида ҳосил қилинган топологияга эга.

**Натижа 2.2.1.** Айтайлик $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин. $X$ топологик $T_1$-фазо метрикалашган бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг метрикалашган бўлиши зарур ва етарли.

**Теорема 2.2.2.** Айтайлик $X$ – $T_1$-фазо, $n$ – натурал сон ва $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин. $X$ фазонинг боғланишли бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг боғланишли бўлиши зарур ва етарли.

**Иккинчи бобнинг учинчи параграфида** $SP_G^n$ функторнинг $\sigma$-фазолар, стратифик фазолар ҳамда $\aleph$-фазолар синфини сақлаши исботланган.

**Тасдиқ 2.3.3.** Айтайлик $X$ – $T_2$-фазо, $n$– натурал сон ва $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин. $X$ топологик фазо $\sigma$-фазо бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг $\sigma$-фазо бўлиши зарур ва етарли.

**Теорема 2.3.1.** Айтайлик $X$ – $T_2$-фазо, $n$– натурал сон ва $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин. $X$ топологик фазо $\aleph$-фазо бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг $\aleph$-фазо бўлиши зарур ва етарли.

**Теорема 2.3.2**. Айтайлик $X$ – $T_2$-фазо, $n$– натурал сон ва $G$ – $S_n$ группанинг ихтиёрий қисм группаси бўлсин.

(1) $X$ топологик фазо стратифик бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг стратифик бўлиши зарур ва етарли.

(2) $X$ топологик фазо ярим-стратифик бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг ярим-стратифик бўлиши зарур ва етарли.

Диссертациянинг учинчи боби **«Текис ўлчовли фазолар ва $G$-симметрик даражали фазолар»** деб номланиб иккита параграфни ўз ичига олади. Диссертациянинг мазкур бобида $SP_G^n X$ тўпламда текис ўлчовлилик ўрнатилган. $SP_G^n X \times SP_G^n X$ декарт кўпайтманинг барча $O[U_1, U_2, ..., U_n]$ кўринишдаги қисм тўпламлар оиласи (BU1)-(BU2) хоссаларини қаноатлантириши ва бу оила $SP_G^n X$ тўпламда қандайдир $SP_G^n \Upsilon$ текис ўлчовлилик ҳосил қилиши исботланган, бу ерда $\Upsilon$ – $X$ тўпламдаги қандайдир текис ўлчовлилик бўлиб $\{U_1, U_2, ..., U_n\} \subset \Upsilon$.

**Учинчи бобнинг биринчи параграфида** $G$-симметрик даражали текис ўлчовли фазоларнинг баъзи хоссалари тадқиқ этилган, жумладан: текис метрикалашганлик, униформлашганлик, тўлиқ чегараланганлик.

**Теорема 3.1.1**. Айтайлик $(X, \Upsilon)$ текис ўлчовли фазо бўлсин. У ҳолда $SP_G^n X \times SP_G^n X$ нинг
$O[U_1, U_2, ..., U_n] = \{([x],[y]):$
шундай $\sigma, \delta \in G$ ўрин алмаштиришлар мавжудки, $(x_i, y_{\sigma(i)}) \in U_{\delta(i)},\ i = 1, 2, ..., n\}$
кўринишдаги барча қисм тўпламлари оиласи (BU1)-(BU2) хоссаларни қаноатлантиради ва $SP_G^n X$ тўпламда қандайдир текис ўлчовлилик ҳосил қилади, бу ерда $\{U_1, U_2, ..., U_n\} \subset \Upsilon$.

Бундай текис ўлчовлиликни $SP_G^n \Upsilon$ орқали белгилаймиз.

Агар $X$ тўпламда шундай текис ўлчовлилик мавжуд бўлсаки, унинг ёрдамида ҳосил қилинган топология берилган топология билан устма-уст тушса, у ҳолда $X$ топологик фазо униформлашган дейилади.

**Теорема 3.1.2.** $X$ топологик фазо униформлашган бўлиши учун $SP_G^n X$ фазонинг униформлашган бўлиши зарур ва етарли.

Айтайлик $X$ тўплам ва $d$ – ундаги бирор метрика бўлсин. Кўриш қийин эмаски $\{(x, y):\ d(x, y) < \frac{1}{2^i}\}$ кўринишдаги барча диагонал окружениялрнинг $B \subset D_X$ оиласи $X$ тўпламда қандайдир $\Upsilon$ текис ўлчовлилик ташкил қилади, бу ерда $i \in \{1, 2, ...\}$. Бундай $\Upsilon$ текис ўлчовлилик $d$ метрика ёрдамида ҳосил қилинган (ёки индустрланган) текис ўлчовлилик дейилади.

Текис ўлчовли $(X, \Upsilon)$ фазо метрикалашган дейилади, агар $X$ тўпламда шундай $d$ метрика топилиб, унинг ёрдамида индустрланган текис ўлчовлилик берилган $\Upsilon$ текис ўлчовлилик билан устма-уст тушса.

Майкл ишида агар $(X,\Upsilon)$ текис ўлчовли фазо метрикалашган бўлса, у ҳолда унинг $(\exp X,\exp\Upsilon)$ гиперфазоси $(\exp X,\exp\Upsilon)$ ҳам метрикалашган бўлиши исботланган, бу ерда $\exp\Upsilon=\{\exp V:\ V\in\Upsilon\}$, $\exp V=\{(F_1,F_2)\in\exp X\times\exp X:\ F_1\subset V(F_2),\ F_2\subset V(F_1)\}$.

**Теорема 3.1.3.** Айтайлик $(X,\Upsilon)$ текис ўлчовли фазо метрикалашган бўлсин, у ҳолда $(SP_G^n X, SP_G^n\Upsilon)$ фазо ҳам метрикалашган бўлади.

Текис ўлчовли $(X,\Upsilon)$ фазо тўлиқ чегараланган дейилади, агар ҳар қандай $V\in\Upsilon$ учун шундай $A\subset X$ чекли тўплам топилиб $V(A)=X$ тенглик бажарилса.

**Тасдиқ 3.1.1.** Текис ўлчовли $(X,\Upsilon)$ фазо тўлиқ чегараланган бўлиши учун $(SP_G^n X, SP_G^n\Upsilon)$ фазонинг тўлиқ чегараланган бўлиши зарур ва етарли.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида $G$-симметрик даражали текис ўлчовли фазоларнинг салмоғи, текис боғланишлилиги, чегараланганлик индекси тушунчалари ўрганилган.

Агар ихтиёрий $V\in\Psi$ окружения учун шундай $U\in\Upsilon$ окружения топилиб $f(U(x))\subset V(f(x))$ муносабат ихтиёрий $x\in X$ да бажарилса, у ҳолда $f:(X,\Upsilon)\to(Y,\Psi)$ акслантириш текис узлуксиз дейилади. Айтиш жоизки, $f(U(x))\subset V(f(x))$ шарт $(f\times f)(U)\subset V$ га ёки $(f\times f)^{-1}(V)\subset U$ га эквивалент.

Агар ихтиёрий $U\in\Upsilon$ окружения учун $V(f(x))\subset f(U(x))$ шартни ихтиёрий $x\in X$ ларда қаноатлантирувчи $V\in\Psi$ мавжуд бўлса, $f:(X,\Upsilon)\to(Y,\Psi)$ текис узлуксиз акслантириш текис очиқ дейилади.

**Учинчи боб иккинчи параграфдаги** асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

**Тасдиқ 3.2.1.** Айтайлик $(X,\Upsilon)$ – текис ўлчовли фазо бўлсин. У ҳолда $\pi_{n,G}^s:(X^n,\Upsilon^n)\to(SP_G^n X, SP_G^n\Upsilon)$ текис очиқ бўлади.

**Тасдиқ 3.2.5**. Айтайлик $(X,\Upsilon)$ – чексиз текис ўлчовли фазо бўлсин. У ҳолда $w(\Upsilon)=w(SP_G^n\Upsilon)$ тенглик ўринли.

**Теорема 3.2.1.** Айтайлик $f:(X,\Upsilon)\to(Y,\Psi)$ акслантириш текис узлуксиз (очиқ) бўлсин. У ҳолда $SP_G^n f:(SP_G^n X, SP_G^n\Upsilon)\to(SP_G^n Y, SP_G^n\Psi)$ акслантириш ҳам текис узлуксиз (очиқ) бўлади.

**Теорема 3.2.2.** Агар $(X,\Upsilon)$ фазо текис боғланишли бўлса, у ҳолда $(SP_G^n X, SP_G^n\Upsilon)$ фазо ҳам текис боғланишли бўлади.

**Теорема 3.2.3**. Айтайлик $(X,\Upsilon)$ – текис ўлчовли фазо бўлсин. У ҳолда $l(\Upsilon)=l(SP_G^n\Upsilon)$ тенглик ўринли.

## ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши $G$-симметрик даражали фазоларнинг кардинал ва топологик хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. $G$-симметрик даражали функторнинг топологик фазолар салмоғини, характерини, суст локал зичлигини, тўр салмоғини, зичлигини, суст зичлигини, калибрини, олдкалибрини, Шанин сонини ҳамда предшанин сонини сақлаши ҳақидаги натижалар олинган.

2. $G$-симметрик даражали функторнинг топологик фазолар хаусдорфлигини, регулярлигини, тўла регулярлигини, метрикалашганлигини ҳамда боғланишлилигини сақлаши исботланган.

3. $SP_G^n X \times SP_G^n X$ тўғри кўпайтмада номанфий функция қурилган ва бу функция $G$-симметрик даражали фазода метрика ҳосил қилиши исботланган;

4. Қаралаётган $SP_G^n X$ тўпламда текис структура, $X$ фазо ва $SP_G^n X$ фазоларнинг салмоқлари устма-уст тушадиган қилиб қурилган;

5. Агар $f:(X,\Upsilon)\to(Y,\Psi)$ акслантириш текис узлуксиз (очиқ) бўлса, у ҳолда $SP_G^n f:(SP_G^n X, SP_G^n\Upsilon)\to(SP_G^n Y, SP_G^n\Psi)$ акслантириш ҳам текис узлуксиз (очиқ) бўлиши исботланган.

6. Шунингдек $\pi_{n,G}^s:(X^n,\Upsilon^n)\to(SP_G^n X, SP_G^n\Psi)$ фактор акслантириш текис узлуксиз, ҳаттоки текис очиқ эканлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ЖУРАЕВ РУСТАМ МЕХРИДДИНОВИЧ**

# КАРДИНАЛЬНЫЕ И ТОПОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ПРОСТРАНСТВА $G$-СИММЕТРИЧЕСКОЙ СТЕПЕНИ

**01.01.04 - Геометрия и топология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.1.PhD/FM565.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно образовательном портале «Ziyonet» (http://www.ziyonet.uz/).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Бешимов Рузиназар Бебутович**<br>доктор физико-математических наук, доцент |
| **Официальные оппоненты:** | **Заитов Адилбек Атаханович**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| | **Рахимов Абдугафур Абдумаджидович**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| **Ведущая организация:** | **Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами** |

Защита диссертации состоится «23» 08 2022 года в $12^{00}$ на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4.Тел.: (+998 71) 227 12 24, факс: (+998 71) 246 53 21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 92). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4.Тел.: (+998 71) 246 02 24).

Автореферат диссертации разослан « 9 » 08 2022 года.
(протокол рассылки № 2 от « 9 » 08 2022 года).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

**А.Садуллаев**
Председатель научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., академик

**Н.К.Мамадалиев**
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

**А.Я.Нарманов**
Председатель научного семинара
при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Многие научные и практические исследования на мировом уровне, во многих случаях, сводятся к изучению задач теории кардинальных инвариантов и топологических свойств ковариантных функторов. Сравнение кардинальных инвариантов пространства $G$-симметрической степени является объектом исследований в таких областях, как геометрия, топология, алгебра. Сравнение кардинальных чисел пространства $G$-симметрической степени с кардинальными инвариантами при нахождении условий для сравнения кардинальных чисел топологических пространств служит основой для нахождения кардинальных чисел заданного пространства. Поэтому изучение кардинальных и топологических свойств пространства $G$-симметрической степени является одной из важнейших задач теории кардинальных и топологических свойств различных пространств – таких, как общая топология, алгебраическая топология, теория кардинальных инвариантов и теория ковариантных функторов.

В настоящее время в мире одной из актуальных проблем современной топологии является решение проблем общей топологии, пространств $G$-симметрической степени, теории кардинальных инвариантов и ковариантных функторов. Важно исследовать кардиналы, такие, как вес, характер, плотность, локальная плотность, слабая плотность, локальная слабая плотность, числа Шанина и предшанина, пространства $G$-симметрической степени. В связи с этим сравнение кардиналов данного пространства и его симметричного пространства степеней, нахождение условий равенства кардинальных инвариантов и, более того, вопрос о «равномерной» структуре симметричных пространств уровня являются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране особое внимание уделяется актуальным аспектам геометрии и топологии, которые имеют научное и практическое применение в фундаментальных науках. Особое внимание уделено изучению теории кардинальных инвариантов и теории функторов в топологических пространствах. Значительные результаты были достигнуты в отношении сохранения топологических, геометрических и кардинальных свойств пространства симметрической степени и гиперпространства. Научные исследования на международном уровне по важным направлениям специальности «Функциональный анализ, геометрия и топология» рассматриваются как основная задача фундаментальных исследований.[12] Развитие теории симметрических степеней и теории ковариантных функторов играет важную роль при исполнении этого постановления.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

---

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан» и № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

**Степень изученности проблемы.** Исследования ковариантных функторов в категории $Top$ топологических пространств с непрерывными отображениями в качестве морфизмов начались с момента выделения топологии в отдельную область математики. Если рассматривать функторы в категории компактных пространств, то более классическим примером является функтор взятия экспоненты, появление которого связано с именами Хаусдорфа и Вьеториса. В работах Е.В.Щепина построена далеко продвинутая и очень содержательная общая теория ковариантных функторов. Он выделил ряд естественных и малоограничительных свойств функтора и дал определение нормального функтора.

